

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



— 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —
Ассалому алайкум, азиз мухитарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲО‘ЛИ

Ватан яғонадир,
Ватан биттадир

Кўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 22 апрел № 15 (8412)

Фуқаролар йиғинларида сайлов: семинар

Ислон Каримов номидаги вилоят театр ва концерт саройида “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

САЙЛОВНИНГ ТАШКИЛИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТУШУНТИРИЛДИ

Унда Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказиш бўйича Республика кўмаклашув комиссияси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров, Олий Мажлис Сенати девонининг Ташкилий ишлар бўлими мудирини, Республика кўмаклашув комиссияси котиби Абдурахмон Бобоев, Олий Мажлис Сенати аъзолари, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси масъуллари, шаҳар ва туманлар комиссиялари, ишчи гуруҳ раислари, маҳаллий Кенгашларнинг котибият мудирлари, ҳокимликларнинг ташкилий-кадрлар гуруҳлари раҳбарлари иштирок этди.

Семинарни Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Зокиржон Зоҳидов олиб борди.

Семинарда сўз олган Республика кўмаклашув комиссияси раиси ўринбосари Толибжон Мадумаров “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловининг ҳуқуқий асослари” ҳақида батафсил тушунчалар берди.

Абдурахмон Бобоев эса “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари” тўғрисида маъруза қилди.

Жорий йил 16 март куни қабул қилинган Олий Мажлис Сенати Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори асосида вилоятнинг барча маҳалла фуқаролар йиғини – ўзини ўзи бошқариш органида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ўтказиш белгиланди.

Шунингдек, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонунга асосан фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, шаҳар ва туманлар комиссиялари ҳамда фуқаролар йиғини раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳар бир маҳаллада ишчи гуруҳ тузилди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарори билан тасдиқланган тадбирлар режасида сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят, шаҳар ва туманлар комиссиялари ҳамда Ишчи гуруҳлари учун амалий семинарлар ташкил этиш белгиланганлиги айтиб ўтилди.

Семинар иштирокчилари сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Жараён

КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИДА



Мамлакатимиз бўйлаб 18-23 апрел кунлари китоб ҳафталиги ўтказилмоқда. Ҳафталик доирасида Лангардаги ахборот-кутубхона марказида уюштирилган тадбир “Болага китоб беринг” деб номланди. Унда иштирок этган туман ҳоқими Илёсбек Новиков инсоннинг маънавий юксалишида, билим доирасини кенгайтиришда китобхонликнинг аҳамиятини алоҳида тилга олди. Китоблар кўргазмасида ўқувчи ва ёшлар ўзларини қизиқтирган китоблар билан танишдилар. Қизиқарли ўтган тадбир ниҳоясида энг фаол китобхонлар рағбатлантирилди (суратда).

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ
олган суратлар.



Фуқаролар йиғинларида сайлов: бизнинг суҳбат

РАИС ҚАНДАЙ ТАРТИБДА САЙЛАНАДИ?

Фуқаролар йиғини раиси сайловига ҳам санокли кунлар қоляпти. 2018 йил октябрида бир қатор ўзгартишлар билан қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонун талабларига кўра, раис қандай тартибда сайланади? Саволимизга туман юридик хизмат кўрсатиш маркази раҳбари Иқболжон ЗОКИРОВ жавоб беради.

—Амалдаги қонунимизда маҳаллаларда тузилган ишчи гуруҳлари аҳоли фикрини инобатга олган ҳолда шакллантирилган номзодларнинг ҳужжатларини сайловдан ўн кун олдин ҳоким билан келишиш учун тақдим этадилар. Ҳоким ўзининг хулосаларини бегиланган муддатда ишчи гуруҳларига топшириши учун маҳаллаларда тузилган комиссияларга юборади. Ишчи гуруҳи номзодлар ҳақидаги ахборотни сайловдан камида беш кун олдин фуқаролар йиғини раисига ва маҳалла гузарларига илиб қўйиши керак.

ролар йиғини раисига ва маҳалла гузарларига илиб қўйиши керак.

Энди сайловни ўтказиш тартиби ҳақида тўхталсам. Сайловни ўтказиш учун маҳалладаги ишчи гуруҳининг раҳбари раислигида фуқаролар йиғини худудидаги сайлов ўтказишга имконияти етарли бўлган мактаблар ёки бошқа ташкилот ва муассасанинг тадбирлар ўтказиладиган залларида чақирилади. Сайловчиларнинг ваколат берилган вакиллари иштирокидаги йиғин кун тартибига санок комиссиясини ва фуқаролар йиғини раисини сайлаш масалаларини киритади. Сайлов бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан камида уч кишидан иборат тартибда санок комиссияси сайланади.

Шундан сўнг раислик қилувчи фуқаролар йиғини раиси лавозимига номзодларни алифбо

тартибда эълон қилади ва уларнинг ҳар бирига белгилаб олган сайловолди дастурларини маълум қилиш учун сўз беради. Дастурлар юзасидан сайловчилар вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин.

Юқоридаги жараёнлардан кейин яширин овоз бериш учун санок комиссияси томонидан бюллетенлар тарқатилади. Бюллетенга номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади. Бюллетен яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи бюллетеннинг ўнг томонида ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси қаршисида жойлашган бўш катакка “+”, “v” ёхуд “x” белгисини қўяди ҳамда тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди. Бу билан у ўзининг бурчини бажарган бўлади.

(Давоми 2-бетда).

УШБУ

2

- * Ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтирайлик
- * Профессинал таълимга эътибор

СОНДА:

3

- * “Очиқ эшиклар” кунини
- * Элмуроднинг ташаббуси
- * Аждодларга эҳтиром

4

Сабоқ бекати

- * Аҳли дониш дейдиларки...
- * Ақл-ақлдан қувват олар
- * Олтин занжирлар

Азиз кўштепалликлар!

Буюк файласуфлардан бири “Соғлом одам табиатнинг энг бебаҳо асаридир” деса, яна бири “Соғлик-бойликдан аъло” дейди. Зеро, ҳар бир давлатнинг қудрати ва салоҳияти яратувчи инсон омили билан боғлиқдир. Қаердаки аҳоли учун саломатликнинг мустақкам асолари яратиб қўйибдими, шу мамлакат бардавомдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳоли саломатлигини мустақкамлаш ҳақида изчил ғамхўрлик қилиб келин-япти.

Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаол аъзоси сифатида истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эмлаш, ташқи муҳит, соғлом овқатланиш ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш каби йўналишларни қамраб олган лойиҳалар ана шулар жумласидандир. Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш Давлат дастури қабул қилинган. Унинг мантиқий давоми сифатида бир қанча умуммиллий дастур ва ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели яратилди.

Президентимизнинг 2017 йил 25 декабрдаги “2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги ишларга янги мазмун бахш этди. Ушбу ҳужжат асосида аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда ёрдам кўрсатаётган тиббий

муассасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усулларини жорий этиш, аёллар, болалар ҳамда ўсмирлар касалликларининг



ча бино курилиб, фойдаланишга топширилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни бета-лафот ўтказиш мақсади учун 107 миллион сўм маблағ ажратилиб, даволаш-профилактика муассасаларидаги мавжуд қозонхоналар замонавийларига алмаштирилди. Саккизта ҳудудда аҳолини арзон дори-дармон билан таъминлаш мақсадида ижтимоий дорихоналар очилиб, аҳолига хизмат кўрсатяпти. Бу йил ҳам марказий шифохона негизда маҳаллий бюджет ҳисобидан болалар бўлими курилиши режалаштирилди. Шунингдек, шу йилнинг ўзида дори-дармонлар учун 300 миллион сўм, тиббий жиҳозлар сотиб олиш учун 100 миллион

Аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида яқинда 1-сектор ҳудудида туман прокурори ташаббуси билан вилоят мутахассисларини жалб қилган ҳолда тиббий кўриклар ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш тadbирлари ўтказилди. Бу борадаги ишлар қолган ҳудудларда давом этирилмоқда. Ходимларнинг малакасини ошириш, муомала маданиятини кўтариш, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар талаблари ижросини таъминлаш мақсадида 4 та секторда фуқаролардан тиббий соҳасида тушаётган мурожаатларни ҳал

асносида одамлар дардига дармон бўлишга, тиббий хизмат билан боғлиқ мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмоқдалар.

Азиз тумандошлар!

Бугун нима учун Сизларга мурожаат қиляпмиз. Гап шундаки, тиббий имкониятлар қанчалик кенгаймасин, аҳоли соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшашни ўрганмас экан, одамлар саломатлигини мустақкамлаш, умрини узайтиришга қаратилган мақсадга эришиш мушкулдир. Соғлом турмуш тарзи дегани соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, санитария қоидаларига амал қилиш, илжи борича стресс ва асабийлашишларга берилмаслик, ҳаёт учун зарарли одатлардан тийилиш, барча нарсада меъёрни билиш, бир сўз билан айтганда, ўз соғлигининг чинакам посбони бўлиш демакдир.

Давлатимиз раҳбари бундан икки йил аввал бежиз соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш, спортни янада ривожлантириш, аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида фармон ва қарор қабул қилмадилар. Айни шу ҳужжатлардаги кўрсатмаларнинг ижроси ҳар бир хонадонда таъминланиши жуда муҳимдир. Бу борада тиббий бригадалари аъзолари кўрсатмаларига, маслаҳатларига амал қилишингиздан умидвормиз.

Биз, тиббийчилар, ишонимизки, сиз, Кўштепа ахли вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Х. Мамажоновнинг айни шу мавзудаги мурожаатномасига лаббай деб жавоб берамиз. Ҳар бир оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириб, жисмоний ва маънавий фаоллигимиз учун мустақкам асос яратамиз. Чунки юртимизнинг тараққи-ётини ҳар жиҳатдан соғлом одамларгина бардавом қилади.

ҲАР БИР ОИЛАДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ҚАРОР ТОПТИРАЙЛИК

Туман тиббий бирлашмаси бошлиғи Ойбек МУРОДОВнинг туманнинг барча аҳолисига мурожаати

олдини олиш борасида беш йилга мўлжалланган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Дастур ва лойиҳаларнинг ижроси туманимизда қандай акс этапти? Ўтган йиллар мобайнида “Обод қишлоқ” дастури бўйича “Соҳибкор” МФЙ ҳудудида жойлашган марказий шифохона ва кўп тармоқли марказий поликлиника бинолари 207 миллион сўм маблағ ҳисобига таъмирдан чиқарилди. Инвестицион дастур доирасида тумандаги стоматология поликлиникаси 930 миллион сўм, Эшонгузар қишлоғидаги 85-қишлоқ оилавий поликлиникаси 825 миллион сўм маблағ эвазига мукамал таъмирдан чиқарилиб, бугунги кунда аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда. “Дўрмон” шифокор хизмат уйи тўлиқ таъмирдан чиқарилди, Лангар шифохонаси ҳудудида қўшим-



сўм маблағ ажратилди. “Ўзбекистон” шифокор хизмат уйи бу йилги таъмирлаш дастурига киритилди. Туман тиббий бирлашмаси ички имкониятларидан фойдаланиб, Тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлими янги биноси қуриб битказилиб, ҳозирда фойдаланилмоқда.

қилишда ҳам шифокор ва патронаж ҳамшираларининг алоҳида ҳиссалари бор. Ходимларимиз маҳаллабай иш-лашлари учун 101 та тиббий бригадалар ташкил этилди. Улар хонадонларда бўлиб, тиббий маданиятни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш

Фуқаролар йиғинларида сайлов: бизнинг суҳбат

РАИС ҚАНДАЙ ТАРТИБДА САЙЛАНАДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сайлов қўтилари овоз бериш тугагандан кейин санок комиссияси томонидан очилади ва овозлар санаб чиқилади. Номзодларнинг натижалари бўйича санок комиссияси томонидан баённома тузилади. Ҳужжат санок комиссиясининг раиси ҳамда аъзолари томонидан имзоланади. Баённома санок комиссиясининг раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади. Иштирок этган фуқаролар ярмидан кўпроғининг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Фуқаролар йиғини сайлов яқунлари бўйича қарор қабул қилади ва у ўқиб эшиттирилади.

Шуни унутмаслик керакки, овоз беришда рўйхатга киритилган сайловчиларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган, деб топилади. Сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарликлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

–Зарурат туғилиб қолгудай бўлса, такрорий овоз ҳам берилди. Шу тамойил ҳақида ҳам тўхталсангиз.

–Номзодларнинг бирортаси ҳам сайланмаган бўлса, фуқаролар йиғини энг кўп овоз олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ҳақида қарор қабул қилади. Бунда бошқа

номзодга нисбатан кўпроқ овоз олган номзод фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланган ҳисобланади. Яна бир нарсани айтиб ўтиш керак, такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси сайланганлигини аниқлаш имконини бермаса, номзодларнинг бирортаси ҳам сайланмаган бўлса, йиғин қарорига кўра, такрорий сайлов ўтказилиши мумкин.

Сайлов натижалари бўйича фуқаролар йиғини бир ой ичида фуқаролар йиғини кенгагини шакллантиради, раиснинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларини ва тафтиш комиссиясини сайлайди.

–Сайловда иштирок этадиган фуқароларга қонун талаблари бўйича берган маълумотларингиз учун раҳмат. Туманимиздаги 51 та маҳалла фуқаролар йиғинларида раис сайлови рўйхатга олинган сайловчи фуқароларнинг фаол иштирокида, адолатли, муносиб танлов асосида ўтади. Унутмаслигимиз керакки, муносиб танлов тараққийтимизнинг ҳозирги босқичида маҳалла институти олдига оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар бир фуқарони рози қилиш борасида кўяётган масъулиятли вазифалар талаб даражасида бажарилишининг муҳим кафолати бўлади.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА суҳбатлашди.

Professional ta'limga e'tibor



XUSUSIY KORXONAGA AMALIY SAYOHAT

Maktabimiz 9-11-sinf o'quvchilarining “Dexqonobod” MFY, Mustaqillik ko'chasida joylashgan, “Shodiyona nurli fayz” xususiy korxonasiga amaliy sayohati taassurotlarga boy bo'ldi. Abdulatif Ahmadaliyev rahbarligidagi korxonada poyabzal va uning tagliklari ishlab chiqariladi. Qishloqdagi 30 nafar yosh shu yerda ish bilan ta'minlangan. Korxonahabari o'quvchilarni tayyor mahsulotlar bilan tanishtirib, ular asosan ichki bozorga mo'ljallanganini, lekin eksport qilish uchun ham imkoniyatlari mavjudligini aytadi.

Sayohatdan katta taassurotlar bilan qaytgan o'quvchilarda hunar va tadbirkorlikka ishtiyoq uyg'onganligi shubhasiz.

Q. MULLAJONOVA,

45-umumta'lim maktabi amaliyotchi psixologi.

"Очиқ эшиклар" куни

Касб-хунар мактабимизда "Очиқ эшиклар" куни бўлиб ўтди. Тадбирда тумандаги умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари учун ёшларнинг касб-хунарга қизиқишини уйғотиш мақсадида "Касблар фестивали", касб-хунар мактаби битирувчиларини ва уюшмаган ёшларни ишга жойлаштириш мақсадида меҳнат ярмаркаси, давлатимиз раҳбари илгари сурган "Бешта ташаббус" доирасида ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ҳамда йигит-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳарбийлар иштирокидаги тадбирлар бўлиб ўтди.

ФОЙДАЛИ ВА САМАРАЛИ БЎЛДИ



Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида, шу жойнинг ўзида ишсиз ёшларнинг 18 нафарига ишга ва 13 нафарига касбга ўқитишга йўлланма берилди.

Тумандаги хунармандлар ўзларининг маҳсулотларини намойиш этишди. Ташкил этилган китоб ярмаркаси ҳам ёшлар билан гавжум бўлди. Шунингдек, тумандаги акция-дорлик тижорат Халқ банки ва "Агробанк"ларнинг ходимлари томонидан тадбиркорликка қизиққан ёшларга кредит олиш тартиби ҳақида тушунчалар бердилар.

Меъзбон ўқувчилар ҳам ўзларининг қўл меҳнатлари билан яратган ишларини намо-

йиш қилди.

Тадбирга туман ҳокими И. Новиков ва сектор раҳбарлари, тегишли идораларнинг раҳбарлари ҳам ташриф буюрдилар. Илёмбек Новиков юртимизда ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида гапириб, уларни бу имкониятлардан имкон қадар ўринли фойдаланишга чақирди. Касб-хунар мактаби битирувчиларига келажакда эгаллаган касб-хунари туфайли обрў ва қадр топишларида омадлар тилади.

"Очиқэшиклар"куни спорт ва ҳарбий ватанпарварлик тадбирлари билан янада қизиқarli ва мазмунли бўлди.

Ёрқиной ҚОСИМОВА.

Суд мажлисида бундан уч йил илгари яхши ниятда барпо этилган оила қасрига кетган дарз оқибатлари кўриб чиқилмоқда. Бироқ айни масала бошқаларидан фарқ қилади: қонуний ажрим бўлмаётган бўшқа аёлга уйланишга аҳд қилган судланувчи М. Мирзаёқубов ўзининг никоҳ билан боғлиқ шахсий истакларига йўл-йўриқ излаб, шариат аҳкомларини ҳам бузган.

Ёш оиладаги жанжал, можаролар фарзанд дунёга келиши билан ҳам барҳам топмади. Қайтанга авжига чиқиб, охир-оқибат аёл боласини олиб ота уйига равона бўлди. Бундай ҳолатда катта-ю кичик оилани сақлаб қолиш ҳаракатига тушади, ҳатто йиллаб уринишлар натижасида бузилган кўп-риклар қайта тикланади. Аксарият ҳолларда эркакнинг қатъияти, аҳди туфайли турмуш яна изига тушади. М. Мирзаёқубов эса аксинча, "вақтни бой бермади" ва бирга яшамётганларини важ қилиб,

ўзига янги жуфт излашга тушди. М. исмли маҳалладоши билан келишиб, шаръий никоҳ асосида турмуш қуришга қарор қилди.

Уларнинг олдида, гўёки, биттагина муаммо кўнда-

Суд залидан

ШАРЪИЙ НИКОҲНИ КИМ ЎҚИЙДИ?



ланг турарди—бундай вазиятда рухсати бор унчамунча дин пешвоси никоҳ ўқишга кўнмайди. Ҳозирги даврдаги тартиб-қоидаларга кўра, агар фож бўлиб қолса, маъмурий жазога тортилишини яхши билади. Зеро, яхшигина ҳақ эвазига ими-жимидани никоҳлаб, кейин жарима тўлаб қаттиқ надомат чек-

кан шахслар ҳақида мисоллар талайгина. Агар гапи тўғри бўлса, судда никоҳини ўзи ўқиганини айтади. Балки у қайсидир чаламуллани ҳимоя қилиш учун шу йўлни тутгандир. Аммо нима бўлганда

бўлди. Диний маросимлар ўтказиш қонунини бузган фуқаро ҳам жамият, ҳам виждон-эътиқоди олдида юзи шувут бўлиб, боши эгилди. Суд мажлисида М. Мирзаёқубов чин дилдан пунинг, таъбир жоиз бўлса, шариатни топташ даражасидаги ҳуқуқбузарлик ҳаракати бошқаларга ибрат, ўқилажак ҳукм унинг тегишли хулоса чиқаришига туртки бўлиши тайин. Икки аёл ва бир норасида гўдакнинг тақдирини аросатда қолдирган эр ўз жазосини олди. Ҳаминқадар билими билан ўзига никоҳ ўқиган тумандошимизнинг кўр-кўрона йўриғи ва ҳеч қандай чора кўрмай кузатиб турган, эҳтимолки, қўллаб-қувватлаган яқинларининг лоқайдлиги, аслида, бир мусулмон учун бутун умрлик иснод. Умид қиламизки, бу нохуш ҳодиса бошқаларни ҳам хушёр торттиради.

Мирзаумар ҚИРҒИЗОВ,
туман ички ишлар бўлими тергов ва экстремизмга қарши кураш гуруҳи тезкор вакили.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси фаолиятидан

ЭЛМУРОДНИНГ ТАШАББУСИ

Маҳалла фуқаролар йиғинида ёшлар ишлари агентлиги етакчиси лавозими жорий этилиши тизимда янги ташаббуслар майдонга келишига катта туртки беришига шубҳа йўқ. Ҳаммаси етакчининг интилиши, ташкилотчилигига боғлиқ. "Йўлдош-обод" маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Элмуроджон Абдуҳамидов амалга ошираётган ишлар юқоридаги фикримизга далилдир. Унинг ташаббуси билан ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, билимга интилишларини рағбатлантириш бўйича қатор эътиборга лойиқ ишларга қўл урилмоқда.

Масалан, яқинда "Йўлдош-обод"дан Қўқон шаҳригача веломарафон уюштирилди. Ушбу марафонда маҳаллада истиқомат қилувчи ёшлар ва кўнгилли фуқаролар иштирок этиб, кенг қамровда ва кўтаринки руҳда ўтди.

Элмуроднинг ташаббусига кўра ташкил этилган "Етакчи стипендия"си ҳам маҳал-



ла ҳаётида янгилик бўлди. Бу борада 8-умумий ўрта таълим мактабида аъло баҳоларга ўқиётган ва жамоат ишларида фаол қатнашаётган ўғил-қизлардан—6-"А" синф ўқувчиси Жонибек Муҳаммадазимов, 8-"А" синф ўқувчиси Шоҳсанам Икромова, 10-"Д" синф ўқувчи-

си Моҳирахон Абдусаттороваларнинг ҳар бирига 100 минг сўмдан стипендия топширилди. Кимларгадир арзимасдек туюлган бу моддий мадад ёшларнинг янада фаол ва изланувчан бўлишларига туртки бериши, шубҳасиз.

Умида КАРИМОВА

Тадбир

АЖДОДЛАРГА ЭҲТИРОМ

Очиқ дарслар ташкил этиш тажрибаси ўқитувчининг ўз устида ишлаши, услубий янгиликлар излаши учун, ўқувчиларга эса мавзунини чуқур ўзлаштиришларида бир имкониятдир. Касб-хунар мактабимизда она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шаҳноза Тўхтасинова ташкиллаган очиқ дарс қизиқarli тарзда олиб борилди.

Буюк соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 686 йиллиги ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 68 йиллигига бағишлаб ташкилланган дарсда умумтаълим ва умумқасбий йўналишлар устозлари иштирок этишди.

"Амир Темури—буюк саркарда" ва "Муҳаммад Юсуф—муҳаббат куйчиси" мавзусида ташкилланган очиқ дарсда Соҳибқирон шахсининг жаҳон тарихидаги ўрни, "Темури тузуклари"даги ғоялар бўйича кенг маълумотлар берилди. Муҳаммад Юсуф лирикаси ҳақида сўз юритилиб, ўқувчилар шоирнинг энг сара шеърларини ёддан айтиб бердилар. Баҳру байт ҳамда слайдлар намойиши мавзуларнинг чуқур ёритилишида муҳим аҳамият касб этди. Очиқ дарс уни кузатганлар томонидан намунали баҳоланди.

Азизбек ЭРҒАШЕВ,
1-касб-хунар мактаби директори.

E'LONLAR

Tumandagi 8-umumiy o'rta ta'lim maktabi tomonidan Xoshimova Nodiraxon Xudoyberganovnaga 1999 o'quv yilida 51-tartib raqami bilan berilgan O'RA № 467021 raqamli attestat yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Tumandagi Paxtakor qishloq fuqarolar yig'ini, Orzu ko'chasida joylashgan, tadbirkorlik subyektlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish inspeksiyasi tomonidan 2015 yil 2 martda berilgan reyestr 820, guvoohnoma 813ga asosan faoliyat olib borgan yakka tartibdagi tadbirkor (INN: 402084421) Qosimov Hayrullo Safarovich nomiga berilgan dumaloq muhr yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Tumandagi Qiyqi mahalla fuqarolar yig'ini, Shohimardon ko'chasida joylashgan, davlat xizmatlari markazi tomonidan 2021 yil 6 aprelda berilgan 973947 guvoohnomaga asosan faoliyat olib borgan "FAR SOHIBKOR EXPO" MChJning (INN:308365323) dumaloq muhri yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Tumandagi 7-umumiy o'rta ta'lim maktabi tomonidan Siddiqova Muhabbat G'ofurovnaga 1993 o'quv yilida 18-tartib raqami bilan berilgan BY № 342652 raqamli shahodatnoma yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Мунофиқнинг аломати учта: гуноҳларни қилверувчи фақиҳ, золим имом ва жоҳил мужтаҳиддир. Ибн Аббос (розияллоху анхумо)дан.

Дайлабий ривояти.

(Эй) Одам боласи, Раббинга итоат қил, оқил, деб номланасан. У Зотга осийлик қилма. Акс ҳолда жоҳил, деб номланасан. Абу Хурайра (розияллоху анхумо)дан.

Абу Нуайм ривояти.

Ўзи ҳалол бўлса-да, Аллоҳнинг ғазабини энг кўп келтирадиган нарса талоқдир.

Абу Довуд ривояти.

Қалбинг мулойим бўлиб, ҳожатинг бароридан келишини яхши кўрасанми? Унда етимга раҳм қилиб, бошини сила ва унга ўз таоминдан едир. Шунда қалбинг юмшаб, ҳожатинг бароридан келади. Абу Дардо (розияллоху анхумо)дан.

Табароний ривояти.

“2002 хадис”дан. (Хадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри). “Мунир” нашриёти. Тошкент—2022 йил.

Шундай қадриятлар борки, улар бамисли куёвдек барчага баравар нур сочади, эскириш нималигини билмайди. Хусумат ва адоватлар гирдоби ҳам бу қадриятларни ўз домига тарта олмайди. Бу беназир хилқат ёлғончи дунёнинг не-не тўфонун бўронларидан омончиқаверади, одамларга маърифат, эзгулик, поклик сир-синоатларидан сабоқ бераверади.

Она Туроннинг таҳрирлардан яраланган қаноти мустақиллик малҳамларидан баҳра олиб, яна ўша азалий қадриятларга таяниб, покликнинг беадад кенгликлари сари парвоз этмоқда. Бу парвозларга ўша қадриятларимизнинг, шарият ва тариқатимизнинг буюк алломалари қолдирган мерос сабоқ бўлаётир, десак хато бўлмас. Ҳаким Ат-Термизий, Имом Ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро, Ал-Марғиноний каби юзлаб зоти шарифларнинг руҳи поклари бу йўлда дини, қадриятлари қайтариб олинган юртва, миллатга мададордирки, юрту элларимиз омонда, тараққиёт бардавом.

Яхшиямки, буюк меросларини ажодлардан авлодларга элгувчи олтин занжирлар, муқаддас битиклар бор. Акс ҳолда, юқорида номлари айтилган ва айтилмай қолган бобока-

Saboq bekati

Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАР

Ёнида кўшниси туриб, фақат ўз қорнини тўйғазиб юрадиган одам мўмини комил эмасдир.

ҲАДИС.

Ота-она, қариндош-уруғларни иззат-икром қилиш фақат ёшлик айёмимизда ёки бойбадавлатлик пайтимиздагина эмас, балки умр бўйи кучимиз тугагунчадир. Катталарнинг ўзаро алоқалари ва муносабатлари бошқаларга кучли таъсир қилади ва ёшлар бу муносабатлардан ибрат олишади.

Биз ота-онамизнинг ёнида биргашаётганимизда уларни

доимо хушнуд этишимиз, уларга кўрсатиладиган иззат-икром қоидаларига нуқсон етказмаслигимиз, доимо ҳол-аҳволларини сўраб туришимиз керак. Уйланганимиздан ва бошқа ерга ҳовли-жой қилиб чиқиб кетганимиздан кейин эса тез-тез ёнларига бориб туришимиз, қўлларидан ўпиб, дуоларини олишимиз, келолмаган тақдирда эса хат орқали хабардор бўлиб туришимиз шарт. Агар бизнинг илмимиз ва касбимиз ота-онаникидан юқори бўлса, биз бунга асло мағрурланмаслигимиз инсоний фази-

латлардан ҳисобланади.

Ота-она тириклигида уларни хушнуд этиш, вафотларидан кейин эса тирикликларидан айтган насиҳатлари ва маслаҳатларига амал қилиш, уларнинг яхши хислатлари билан ёдлаб туриш содиқ ва вафодор фарзандларнинг бурчидир. Шуниси ҳам махфий қолмасинки, ота-онадан ташқари валийнеъматлик қилган ва яхшилиқ қўлини чўзиб турган инсонларнинг иззат-икромини ҳам бажо келтиришда нуқсонларга йўл қўймаслик керак!

Ҳар бир фарзанднинг ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши ва уларга нисбатан шафқат ва марҳаматларини ишга солиши муҳим вазифалардан биридир. Ўз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг иши ҳеч қачон олға босмайди ва элнинг олдида обрўйи бўлмайди!

Мустафо
ҲОМИЙПОШШО.

“Машриқзамин—ҳикмат бўстони”дан.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти. Тошкент—1997 йил.


Ақл-ақлдан қувват олар

САВР КИРДИ—ЭКИНЛАРГА ДАВР КИРДИ

Савр—куёш йили ҳисобида иккинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 24 апрел билан 24 май оралиғидаги даврга тўғри келади. Бу ойда экинлар авж олиб ўсиш ва ҳосил туғиш даврига киради. Савр ойининг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи куйидаги мақоллар ҳам бор: “Саврнинг ўтидан—ҳамалнинг тафти яхши” (ҳамал—куёш йили ҳисобида биринчи ойнинг арабча номи бўлиб, 21 март билан 21 апрел оралиғидаги даврга тўғри келади). Ҳамал киргач, ҳаво кундан-кун исий бориб, ер юзидан тафт кела бошлайди. Бу ойдан кейин келади савр ойида (уни “ёмғир ойи” деб ҳам атайдилар) ҳаво дам исий, дам совий, момақалдиқроқ бўлиб, чақмоқ чақиб, кучли шамол-бўронлар туриб, ёмғир, жала, ҳатто дўл ёғади, сел келади. Бу ҳолни “Саврнинг

саногиди қишнинг ёғини бор”, “Савр деган—сонли қиш, мен жавзондан кўрқаман” деган мақоллар билан ифода этганлар (жавзо—саврдан кейин келади учинчи ойнинг номи бўлиб, 22 май билан 22 июн оралиғидаги даврга тўғри келади). “Савр ёмғири—сарик олтин” (Бу ойда ёғадиган ёмғирни олтинга тенглаштирилганларига сабаб шуки, савр ёмғири деярли ҳамма экинларга, айниқса, ғаллага, ўт-ўланга айна керак пайтида фойдаси тегиб, деҳқонлар ва чорвадорларга асқотади). “Савр келса, кун гуркирар, кун гуркираса, кўк дуркирар (кўк—ўт-ўлан, экин-тикин). “Савр ойи кирмагунча чорва моллари яйловда чинакамига яйрай олмайди”, дейилмоқчи.

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент-1990 йил.



Ватан манзиллари

лонларимизнинг шарият ва тариқат йўлидаги буюк хизматлари бизгача етиб келармиди?! Туманимизда ҳам ана шундай бир улуг зоти шариф ўтганларки, у кишининг шахси, қилган ишлари ҳақида бугунги авлодларга сўзламай ўтиш кўрнамаклик бў-

нинг нуридан бошқаларни ҳам баҳраманд этишга ҳаракат қилардилар. Деҳқончилик, соҳибкорлик билан жон-дилдан шуғулланардилар. Охундада фарзандларига ҳам тўғрисиқлик, одамларнинг қорига яраш, етим-есирлар, бева-бечораларга ҳа-

рия таъсирида унинг тарбиявий аҳамиятини инкор этиб яшайверган эканмиз. Мана энди нафақадан, кундалик турмушдаги ташвишлардан бўшадим дегунча, қўлимга дадамдан қолган китобларни олиб мутолаа қиламан. Охундаданнинг диний илмдаги

борот воситалари орқали тез-тез бериб туриларди.

Оддий ҳайдовчиликдан чиққан, ўзининг ўта хушёр ва зукколиги, ислом таълимотини ўрганишдан, бу йўлда изланиш заҳматида эринмайдиган Турсунтоҳир Ҳайдарали ўғилларига туман уламолар кенгашини бошқариш вазифаси юклатилганда, у анча ёш эди. Ўта одамоҳун, сўзамол, диний илмини чуқур биладиган, хушфезл ва хушсуврат бу йигит ҳамқишлоқларимизни ҳалол ризқ топиш, фисқу фужурсиз турмуш, хиёнатсиз ҳаётга, ҳар бир инсонга Аллоҳ инъом этган ҳар дақиқанинг қадрига етиб, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандий айтганларидек, дил Худода-ю қўл меҳнатда бўлишига даъват этишдан чарчамасди. Бир неча йиллар вилоят миқёсида фаолият кўрсатган дин пешвосига йиллар ўз ҳукмини ўтказди, улғайди, ҳамон диний маърифат улашиш йўлидадир.

—Биз туманимизда яшаб, яссавиёна илм излаб, унингдек қалам тебратишга интилган Охундадалар меросини чуқурроқ ўрганишимиз керак,—деганди Турсунтоҳир бундан чорак аср илгари. Библишимизча, Охундаданнинг ҳаёти ва ижоди ҳамон очилмаган китоб каби ўқишга, ўрганишга муштоқдир.

Ҳадичахон КАРИМОВА

Узоқ ва яқин ўтмишдан садолар: улуг кунлар тухфаси

ОЛТИН ЗАНЖИРЛАР

лар. Бу улуг зот жойбозорлик Абдусамодоҳунд Охундададир.

Ул зотнинг исми шарифлари, билимдонлиги, шарият ва тариқат йўлидаги тутумлари нафақат туманимиз, балки Марғилон-у Андижон, Наманган-у Ўшда ҳам маълум эди. Ўта хоксор, мулойим, тақводор Охундада бутун умри давомида чумолига ҳам озор бермаган инсон эди, деб хотирлайди одамлар у киши ҳақида. Исломиий илм ва билимни чуқур ўзлаштиришга интилган Охундада Аҳмад Яссавийнинг мумтоз меросини берилиб ўрганар,

миша имкон қадар ёрдам қўлини чўзиш сингари хислатларни кўчира олганлар. Ички ишлар фахрийси, милиция подполковниги, бир неча йил туманимиз фахрийлар кенгаши раиси бўлиб ишлаган Сирожиiddин Охундов ҳам Охундаданнинг нурийдисиди эди.

—Падари бузрукворимиздан дин илмини тўла ўрганиб олмаганимдан афсусланаман,—деганди раҳматли бир суҳбатда. —Ахир ислом таълимоти, шарият инсонларга фақат яхшилиқ, ҳалоллик, тўғрилиқни ўргатар экан-ку! Биз қизил импе-

зукколиги, қунти унинг куёви, бир неча йил туманимиз, вилоят уламолар кенгаши раиси, Мо-вароуннаҳр мусулмонлари диний идорасининг вилоятимиздаги вакили Умаржон ҳожи Аҳмадоҳунд ўғилларига, қизларига кўчган бўлса, нежаб.

Умаржон ҳожи раҳматли туман аҳли орасида жуда катта ҳурмат ва эътиборга эга эдилар. Унинг ислом дини, мақсади, унинг меҳнатга, аёлларга, ҳалоллик ва покликка муносабатлари, фарзанд, ота-она бурчи борасидаги таълимотлари ҳақидаги суҳбатлари оммавий ах-

Азиз муштарий! Ҳафтаноамизда улуг ажодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ноқоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI
МУАССИС:
Қўштепа тумани
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидахон ХУДОЙБЕРГАНОВА
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номи маҳалла,
Соҳибкор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ҒАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3100
нусада чоп этилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875
Буюртма № 293
Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Ҳадичахон КАРИМОВА
ISSN 2010-9253
9 177 2010 9253 07